



Ушбу сонда:

2

МУБОРАК ЮРТ  
КЎЗЛАГАН ЧЎҚҚИ

3

МУНАВВАР ТОЛЕ

4

ҚАЕРДА ҚАНДАЙ  
КУТИШАДИ?

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ  
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА  
ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

31 декабр, пайшанба  
1998 йил №146(647)

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

у моҳиятан халқимизга хос саховат,  
меҳр-мурувват ифодасидир



эртакни томоша қилдилар. Ушбу мусиқий эртакнинг сценарий муаллифи ҳажвчи ёзувчи Анвар Обиджон. Эртакда «Томоша» болалар фольклор театр студияси, таниқли эстрада хонандаси Маъмура Курбонова, «Шаҳзод» гуруҳининг солисти Рашид Холиқов, Жавоҳир Зокиров, Даврон Ҳошимов каби санъаткорлар иштирок этадилар.

Эртак томошаси қахрамонлари Куён, Яхшибек, Кавушлар, Пақилдоқ, Инжиқой ва Минғирвойлар яхшилик ва дўстликни қуйлайдилар, аҳиллик ва иноқлик тантанаси йўлида устун чиқадилар. Қорбобо ва Санта Клаус эса барча болажонларга кириб келаётган Куён йилида қалбларининг қуён каби беозор бўлишни тилаб, рамзий маънода оппоқ қуёнчаларни совға қилдилар.

Шаҳримизнинг муҳташам саройларидан бири «Туркистон» дарвозалари узра қўш қарнаю қўш сурнай, қўшалоқ ногораю қўшалоқ чилдирамаларнинг ўйноқи садолари таралмоқда. Хузурбахш садолар барчанга байрамга чорламоқда. Ўтган кетганининг юзида қувонч, лабларида табассум, миллий чолғуларимизнинг тақрорланмас мусиқаларидан кайфиятлари чоғланиб бораётгани сезилиб турибди.

Муҳташам саройда Президент арчаси шодисенаси ўтказилмоқда. «Туркистон» саройининг кўрки ўзгача. У болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Саройнинг қоқ ўртасига ўрнатилган улкан арча жуда гўзал ва жозибали, қараб кўз тўймайди. У шунчалар қулай ўрнатилганки, болажонлар арча атрофидаги томошаларни бинонинг биринчи қавати - арча атрофидан ҳам, юқори қаватию балкониюдан ҳам бемалол томоша қилмоқдалар. Кичкинтой қалбларининг эса қувончи чексиз. Улар учун йил бўйи орзиқиб кутилган байрам бутун.

Арчажон атрофида эса турли эртак қахрамонлари. Қорбобо энг доно, зукко, топқир ва эҳди ўткир набираларига совғалар ҳадя қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Жамол ота Президент арчаси байрамига набираларини олиб келибдилар. У киши ҳаяжонланиб шундай дейди:

Президент арчаси, саховат, меҳр-мурувват ифодасидир. Ҳа, Президент арчаси байрамга асосан Меҳрибонлик уйлари-нинг тарбияланувчилари, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг, кўп болали оналарнинг фарзандлари таклиф қилинганлар. Ушбу тантаналарга аjoyиб совғалар тайёрланган. Мурғак қалбларнинг ҳар бирига Президентимиз номидан табрикнома йўланган бўлиб, унда ушбу сатрлар битилган:

**Азиз фарзандим!  
Сизни кириб келаётган  
Янги йил билан  
муבורакбод этаман.**

Ислом КАРИМОВ


«Туркистон» саройида бошланган бу тадбир галма-гал Гулистон, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида ҳам давом этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Президент арчаси тадбирини ўтказиш учун 20 дан ортиқ ташкилотлар, жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Миллий банки, ЎзДЭУ банк, Авиабанк каби-лар ҳомийлик қилмоқдалар.

Ҳеч бир байрам йўқки, санъаткорларсиз ўтса. Арча атрофидаги ўйин-кулгидан сўнг болажонлар Ўзбекистонда хизмат қўсатган маданият ходими Нодира Курбонова сахналаштирган аjoyиб мусиқий



**Муҳаббат  
ЎРМОНБЕКОВА,  
«Ишонч»нинг махсус  
муҳбири.**



## ЖАМОЛИГА ОЛАМ МАҲЛИЁ

Саждагоҳ Ватаним, Муқаддас замин,  
Оппоқ орзулардан чулганган нурга.  
Буюк келажакнинг тимсоли бўлиб,  
Янги йил келмоқда бурканиб дурга.  
Ҳаммаёқ оқ либос, тоғлар

тўши қор,  
Булоқлар бағрида қайнайди ҳаёт,  
Ўзлигин англаган халқимда виқор,  
Янги йил ҳақида минг тавсиф, баёт.  
Омонлик, рўшнолик завқи қилиб

маст,  
Оллоҳга шукрона айтар ҳар одам,  
Юртим жамолига олам маҳлиё -  
Улуғ мақсадларга ташланар қадам.  
Арча атрофида маржон тизилиб,  
Ватан истикболин мадҳ этар

Ойдин манзилларга нигоҳин қадаб,  
Эзгулик ва бахтдан машварат бошлар.

Дуога қўл очар илтижо билан -  
Хушвақт қариянинг пир-пираб лаби.  
Аждодлар руҳига ўқилар оят,  
Муस्ताқил Ватан дер барчанинг

қалби.

Шу юртни қуйламоқ катта бир шараф,  
Дилларга завқ берар Янги йил тонги.

Фарзандлик гурури қалбни тоғ этар,  
Ватанда янграса келажак бонги.  
Умр зарварағи сим-сим очилар,  
Улуғлик касб этар ҳар кун, ҳар бир йил.

Озод Ватанимиз, обод Ватанда -  
Таъзимлар айлаймиз Сенга Янги йил.  
Хусанжон АМИН-ҲУЗОРИЙ.



Шу ёшга кириб, не кунларни кўрмадим. Қачатчилик, кўрғокчилик даврида бир бурда нон, бир оғиз ширин сўз арзанда эди. Амаллаб лавлаги шўрва ичиб, жон

сакладик. Собиқ шўро даврида эса дабдабозлик, ширбозлик кўп эди-ку, бироқ меҳнаткаш инсоннинг қадри бўлмади. Янги йил кутиш баҳонасида, айниқса, ёшларимиз спи-

## Йиллар ва одамлар БАХТИМИЗ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Зангиоталик 104 ёшли Мирафзал  
бобо Шарипов шукронаси

ртли ичимликлар ичишга ружу қилдилар. Бора-бора аёлларимиз ҳам шу захри қотилни истеъмол қиладиган бўлишди. Шу тариқа чапак қилиб, йилларни ўтказиб маданиятимиз, тилимиз, динимиздан мосуво бўлганимизни сезмадик.

Бахтимизга истиклол қуёши порлади. 1991 йил сентябри авлодларимиз орзу қилган улуг ва муътабар кунга эриштирди. Одил ва оқил Президентимиз ўтиш даври қийинчиликларини олдиндан кўриб ёрдамга муҳтожларни, пенсионерларни мустақкам ижтимоий ҳимояга олдилар. Халқ бахт саодатини кўзловчи Фармонлар дехқон кунглини тоғдек кўтарди.

Зангиота туманида ерни қадрлай биладиган асл миришкорлар яшамади. Президент Фармони тўғрисида йилнинг деҳқон ҳужалиқлари гуриллаб ривожланмоқда. Аксарият хоннадонлар соҳиблари ҳужалиқларида помидор, бод-

ринг, қулупнай, ошқўк етиштириб мўмай даромад олмақдалар. Ҳар бирларининг томорқадан олаётган ўртача йиллик даромадлари 500 минг сўмдан кам бўлмаётди.

Шукроналар айтиб 1998 йилни ҳам қузатиб қолаёмиз. Газеталаримиз тўғрисида, жорий йилни маънавий юксалиш йили деб аташ ўринли бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан буюк бобоқолларимиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик, Қорақалпоқ шоири Бердакнинг 170 йиллик тўйлари зўр шоду-хуррамлик билан нишонланди. Ўзбекистонни жумлаи жаҳон яна ҳам яхшироқ таниди. Катта тўйлар муносабати билан юртимизга ташриф буурган хорижийлар бизда миллий гурури, ўзлимизни уйғонаётганлигини яққол сезишди.

Шунингдек, 1998 йилда ёшлар қамолига катта эътибор берилганлиги биз - фахрийларни бағоят хуш-

нуд этди. Биз кўрмаган кунларни фарзандларимиз, неваря чевараларимиз кўришади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Гузарларда, чойхоналарда бўлиб, айниқса ёшларимизга бахтимиз қадрига етиб, дея насихат қиламан. Ҳар қанча фахрланса ярашади. Тарихга айланаётган ҳар бир йил янада улуг, бахтли саодатли онларга яқинлаштирмоқда. Халқимиз Ўзбекистон эришган ва эришаётган улкан муваффақиятларни, мустақиллигимизни ҳақли равишда улуг инсон Ислом Каримов номи билан боғламоқда. Биз нурунийлар ҳам шу нуғулмас кунларда ният қиламиз: юртимизга, ютуқлари-мизга, кишиларимиз ўр-тасидаги меҳру оқибатга кўз тегмасин. Юртбошимиз менинг ёшимга етсинлар!

## Касаба уюшмалари спортчилари ютуғи

### Ғурур

Декабр ойида барча спорт ишқибозларининг диққат-эътибори Таиланднинг Бангкок шаҳрига қаратилди. Бу ерда бўлиб ўтган XIII Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари эришган ютуқлар юртимизда спорт янада ривож топаётганлигини, унинг янги-янги турлар билан айна пайтда қатнашчиларнинг сони кўпайиб, сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилётганлигини исботлади. Ўзбекистон спорт-ти шавъини ҳимоя қилган-

лар орасида касаба уюшмалари спортчиларининг ҳам кўпчилиги қувонарлидир.

Байдаркада ва каноеда эш-как эшиш бўйича 1000 метрлик масофада Константин Яшин 1-ўрин соҳиби бўлди. Антон Ряхов шу масофага ва 500 метрда 2-ўринни эгаллади. Умуман Ўзбекистон касаба уюшмалари спортчилари янги йил байрамининг XIII Осиё ўйинларида 1 олтин, 5 кумуш ва 1 бронза медали соҳиби сифатида кумуш билан кутиб олмақдалар.

Утаётган 1998 йил Ўзбекистон халқи учун ўзига хос ютуқлар йили бўлди. Шу мамлакат фуқароси сифатида ушбу йилни ҳаётимнинг энг сермазmun даври деб ҳисоблайман. Инсон ўз ҳаёти давомида турли муваффақиятларга эришиши мумкин. Аммо қачонки, сен эришган муваффақият биргина ўзингни, ёки оилангизни эмас, бутун мамлакатнинг ютуғи саналса, бутун бир мамлакат аҳолиси сенинг ютуғин билан қувонса, бундан ортиқ бахт борми?

Муस्ताқиллик тўғрисида мамлакатимиз спортчилари, шу жумладан касаба уюшмалари спортчилари ўз она юрти шарафига учун курашаётган экан, бунинг ўзи катта бахт. Бунинг устига халқаро баҳсларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш...

Спорт гимнастикаси бўйича 2-ўрин соҳиби сифатида пиллапоғга кўтарилар эканман, ўз байроғимиздан кўз узолмадим. Бу тимсол улуг Ватанимга бўлган мендаги садоқат, эътиқод рамзи эди. Бангкоқдан қайтар эканман, бу туйғу барча спортчиларимиз қалбидан жўш ураётганлигини ҳис қилдим.

Светлана БАХРЕТДИНОВА,  
Спорт гимнастикаси бўйича  
XIII Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби.

Баланд иморат курмоқчи бўлган мейморлар аввало, пойдеворининг мустаҳкам бўлишига эътибор берадилар.

Олис йўлни кўзлаган сарбонлар аввало, карвонни шай қилдилар: отуловлардан тўя-бўғалоқларга, озиқ-овқатдан, ем-хашакча, ҳамма нарса етарли, тўкин бўлиши керак.

Олис йўлга ишончи мустаҳкам, режаси пухта, мақсади улуғ одамлар журъат этадилар.

Ўзбек халқи, Ўзбекистон фуқаролари мақсади улуғ, иродаси метин-мустаҳкам юртбошимиз, мустақил давлатимизнинг биринчи Президенти Исролом Каримов раҳнамолигида янги тарихимизни бири-бирдан баланд етти довонидан сабот билан ошиб ўтдилар.

Бу янги, машаққатли, шарафли йўлда қилинган буюк меҳнатлар, чекилган чексиз заҳматлар, амалга оширилган янги, чўнг, машаққатли ва шарафли режалар тарих саҳифаларига қайд этилди, аввало Президентимизнинг китобларида ўз аксини топди.

Тарих сабоқлари шунки кўрсатадики, янгиликнинг кашф этилиши ва ҳаётида қарор топиши буюк меҳнат ва машаққатлар авазига, халқнинг доно алломалари етакчилигида неча-неча авлодлар

истеъдоди, меҳнати, кураши, мардона интилишлари эвазига амалга ошди.

Қадим ўзбек заминидан қарор топган ва тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб, камол толиб бораётган давлат ва жамият - Ўзбекистон республикаси том маънода кашфиётдир. Ва-

шараф билан ўтди. Бундай улуғ обрў ва нури шарафнинг боиси шу бўлдики, Амир Темури бобомиз шоншавкатига, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий сўнмас даҳолари мангу кўёшининг ёрқин шуълаларига чулган қадим Туркистон Озод

Ўзбек халқи ва унинг зиёлилари шундай янги, адолатли жамият курмоқдаларки, бу адолатли жамият, бу мукаммал тузум янги

**Ҳамид ҒУЛОМ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

Дунёда меҳнат, машаққат, жасорат талаб этадиган, қийин, мураккаб, жонни ўртайдиган улуғ ишларини улкан тарихий натижалар беради.

Янги йил арафасида Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди.

Шу воқеа содир бўлган дақиқаларда мен ҳам Туркистон саройида пойтахт жамоатчилиги вакиллари қаторида ўтирган эдим.

Бу эзгу янгилик эълон қилиниши билан аҳли жамоа оёққа қалқиб, бир неча дақиқа тинимсиз қарсақлар янграб турди.

Аёл - ҳаёт чашмаси, авлодлар онаси, наслимиз мураббиси.

Демак, янги, 1999 йилимиз файзли, муборак, муқаддас ва қутлуғ йил бўлади, фаровонлик ва чарогонлик йили бўлади.

Янги йил меҳрибонлик йили бўлмай, иншоолло! Элқи меҳрли, инсонларки, бир-бирига меҳрибон экан, демак аҳилдир. Ванга сидқидилдан садоқатлидир. Дўст ва қадрдондир.

**Собит қадам билан кириб келаётган Янги, 1999 йилингиз муборак бўлсин, азиз Ватандошлар!**

**МУБОРАК ЮРТ  
КЎЗЛАГАН ЧЎҚҚИ**

Публицистика

танзимизда умумхалқ раҳнамоси, Президентимиз Исролом Каримов ва унинг етакчилигидаги фан, маърифат, маънавият, адабиёт ва санъат алломалари ҳамда ёш авлодларнинг жасоратли кашфиётдир.

Ер юзининг, мовий курамининг бирор ерида пайдо бўлиб, ўз миллий байроғини кўтарган янги давлатни жаҳон ҳамжамияти тизлида, осонликча тан олмайди. Бунинг учун янги давлат кўп синов ва минг қириқлардан ўтиши керак. Мустақил Ўзбекистон республикаси ҳам жаҳон ҳамжамиятининг синов имтиҳонларидан ўтди, ўтганда ҳам жуда муваффақиятли, тез ва соз ўтди, буюк

Ватанимиз - мустақил Ўзбекистондирки, бу ҳақиқат қадим-қадимдан жаҳонга аён ва мангу қуёшдай нурашондир.

Биз янги, 1999 йилни, Истиклолимизнинг саккинчи йилини собит ишонч ва нури орзулар билан кутар эканмиз, босиб ўтган йўлимизга синовчан назар ташлаймиз, ютуқларимиздан қувонамиз. Ютуқларимиз эса анчагина салмоқли. Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлини топди ва шу катта йўлдан буюк ишонч билан илгарилар борапти.

Ўзбекистон ўз тарихий қадриятларини тиклаб олди ва бу улуғ, машаққатли, шарафли ишни сабот билан давом эттирди.

тарихда чиндан ҳам кашфиётдир.

Ҳеч нарса ғойибдан тайёр ҳолда келмайди. Ҳар бир янгилик, ҳар бир кашфиёт халқнинг энг истеъдоди, энг етук, энг жасоратли фарзандлари меҳнати, илми, жасоратининг маҳсулидир. Чунки, мен Президентимиз Исролом Каримов нутқ сўзлаётган соатларда унинг куйиб-пишиб айтаётган сўзларини тинглаш билан бирга, унинг руҳий аҳолини, машаққатли кечинмаларини, хатти-ҳаракатларини эътибор билан кузатаман. Бундай ҳолатларни мен қатори кузатган юрт оқсоқоллари:

- Президентимизга осон эмас! - дейдилар беихтиёр.

**Касаба уюшма ҳаёти  
ОРОМҒОҲЛАРГА  
МАРҲАБО**

Қиш таътилини азиз ўғил-қизларимиз завқ-шавқ билан мириқиб томоша қиладиган файзли байрам томошаларисиз тасаввур этиш қийин. Кумуш қиш фасли болаларни яшил арча атрофидаги қувноқ кулгулари, эртақлар оламига етакловчи байрам томошалари билан янада гўзал ҳамда эсда қоларлидир. Мактаб ўқувчиларининг қишқи таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида шаҳар касаба уюшмалари кенгаши қатор тадбирлар ишлаб чиқди.

Келажакимиз ворисларига бир олам шодлик бахшида этишдек хайрли ишни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг «Қишқи таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Янги йил шодиёнлари мазмунли ва мароқли ўтиши учун белгиланган тадбирларга мувофиқ Санъат Саройида, Муқимий номидаги мусиқа театрида, темир йўлчилар маданият саройида ва Республика кўғирчоқ театрида умумшаҳар янги йил арча байрами томошалари намойиш этилади.

Азиз болалар яшил арча атрофидаги қувноқлар даврасида яйраб, сеvimли эртақлар оламига саёҳат қилиб, завқ-шавққа тўладилар, моҳир санъаткорлар ижросидаги ажойиб сахна асарларидан баҳраманд бўлиб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Бундан ташқари корхона, ташкилотларда ҳам меҳнат аҳлининг фарзандлари учун ажойиб байрам тадбирлари бўлиб ўтади.

1998 йилнинг 30 декабрь - 1999 йилнинг 10 январь кунларида стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида қишқи оромгоҳлар ташкил этилиб, гўзал табиат гўшаларида жойлашган «Эльбрус», «Камалар», «Меҳржон» оромгоҳларида болалар дам олиб соғликларини мустаҳкамлайдилар. Кези келганда айтиш керакки, йилнинг тўрт фаслида ўқувчиларнинг таътил кунларида бир маромда фаолият кўрсатиб, болаларнинг сеvimли дам олиш масканига айланган «Эльбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўқувчиларнинг қишқи таътил кунларида ўнлаб мактаб ўқитувчилари берилган имтиёзли йўлланмалар бўйича «Бўстон», «Хумсон», «Янгийўл» санаторийларида, олий ўқув юрталарининг талабалари эса «Чимён» санаторийсида мириқиб дам олиб, соғликларини мустаҳкамлайдилар.

Ф. РЎЗИБЕКОВ,  
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари.

**ҒАЛАМИЗ - СОВҒАМИЗ**

Пайриқандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг мириқиб Сандқул Нуркулов бошлиқ жамоа жорий йилда гектаридан 70 центнердан ғалла ҳосили олди. Куйида унинг дил сўзлари:

Инсон ҳаётида унутилмас онлар кўп бўлади. Бироқ биз мамнуният ва шукроналик ила кузатиб қолаётган йилимиздаги ҳаяжонли онлар, меҳнат ютуқлари узок вақт ёдда сақланади. Истиклол, иқтисодий ислохот шарофати билан деҳқон етти ухлаб тушига кирмаган имтиёзларга эга бўлди. Чинакам омилкорга кенг йўл очилди. Ер ҳақиқий эгасини топди. Кўплар қатори ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилгандик. Шу ниятда ғалланинг энг яхши навларини танладик. Бебаҳо бойлик - ерни вақтида сифатли шудгорлаб, маҳаллий ўғитга тўйинтирдик. Қишли қишлоқларда майсалар меҳр билан парваришланди. Сай-ҳаракат зое кетмади. Гектаридан 70 центнердан ғалла топширдик. Бу бизнинг янги йилга совғамиздир.

Бухоро шаҳри болзорларида янги йил байрами арафасида туман хўжаликлари гўшт, сўт, сабзавот, по-

хоналарининг маҳсулотларини туманларга юборилмоқда. «Шаҳар-қишлоққа, қишлоқ-шаҳарга» шиори

**Байрам ярмаркалари**

лиз маҳсулотлари олиб келиб, анча арзон нархда сотмоқда. Шаҳарликлар ҳам қишлоқ аҳлига ёрдам кўрсатмоқда. Бухоро шаҳридаги барча саноат кор-

остида ўтаётган бундай байрам ярмаркалари аҳолига манзур бўлмоқда.

Илҳом САҒФАР,  
ЎЗА мухбири

**ОДАМЛАР  
РАҲМАТ ДЕСИН**

Барча соҳада бўлганидек ўтаётган 1998 йил тармоқ касаба уюшма ходимлари фаолиятида ҳам ёрқин эл қолдириди. Утган йил давомида тармоқдаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларига катта эътибор берилди. Ишчи-хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида сиҳатгоҳларга, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийларга 250 дан зиёд йўлланмалар ажратилиб, шу мақсад учун 3 миллион 250 миң сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида 764 нафар болалар тармоғимизга қарашли «Юлдузча» ҳамда «Баҳор» оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришди. «Оила йили» муносабати билан тармоқдаги кам таъминланганлар ҳам доимий диққат марказимизга бўлди. Мисол учун яқинда Фарғона шаҳар «Умид» савдо

ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 360 ишчи-хизматчига 450 миң сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқдаги ташкилот, муассаса, ўқув юрталарида олиб борилаётган маданий-маърифий ишларнинг кўлами ҳам кенг. Жойларда «Оиланинг обрў-эътибори», «Ота-онанинг бурч ва мажбуриятлари» мавзусида давра суҳбатлари уюштирилди. Қува, Богдод, Тошлоқ, Езёвон туманларида «Дадам, ойм ва мен - тотув оила» шиори остида мусобақалар ўтказилди. Вилоятда республикамиз мустақиллигининг 7 йиллиги ҳамда савдо ходимлари кунига бағишлаб спартакиада ўтказилди. Унда Тошлоқ тумани спортчилари 1-ўринни эгаллашди.

У.САЙДАМАТОВ,  
Савдо ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кўмитасининг раиси.



**«ТИКО» МУБОРАК!**

«Плосон» ширкат хўжалиги Олтиариқ туманидаги илгор хўжалиқлардан бири ҳисобланади. Жумладан, ўтаётган йилда хўжаликда давлатга пахта ва ғалла етказиб бериш режалари ортиги билан бажарилиди.

Суратда: хўжалик бошқаруви раиси Юсуфжон Назиров, муҳандис Тоҳиржон Абдуллаев 1998 йил натижасига кўра тумандаги комбайнчилар ўртасида голиб деб топилган Абдурахим Турсуновни «Тико» автомашинаси билан кутлашмоқда.

Б. ҲАМРОКУЛОВ  
олган сурат.



**Яхшидан боғ қолади**

Яқинда Наманган туманидаги Охунбобоев номи жамоа хўжалигининг маркази - Шўркўргон қишлоғида яшовчи қадроним гап орасида:

- Базилар раҳбарлик давринда ундок қилганман, бундоқ қилганман, деб кўкракларига уришдан уялишмайди. Ҳатто, биттаси йиғилишда «фалон мактабни, пистон қишлоқдаги билим масканини ўзим қурганман. Боғча қурилишига ўзим югурганман», деб юборди. Ҳақиқатда қишлоқлар хафа бўлиши. Ахир, уларни Турсуновни опа аёл боши билан елиб-югуриб бунёд этганлигини бу ердагилар яхши билишади-ку! Наҳотки, ишни биров қилиб, олқини бошқалар олишса,-деб қолди. Биз опадан шу тўғрида сўраганимизда у бутунлай бошқача жавоб қайтарди:

- Ҳамама қатори ишлаганимиз, хизматимизга яраша кам бўлмадик. Энди набираларимизни ўстириб, тарбиялаяймиз. Шунингизга мингдан-миңг шукр.

... Турсунов Наманган шаҳридаги педагогика институтини битиргач, ўзи туғилиб ўсган Шўркўргон қишлоғидаги 36- (ҳозирги 8-) мактабга ишга келди. Ўз касбини сеvimан, сергайрат, жамоатчи қиз тез орада ҳурмат-эътибор топди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас илмий бўлим мудириликка тайинланди. Сўнгра уни қўшини Бешкапа қишлоғидаги 12-мактаб директориликка ўтказишди. Унинг изланувчанлиги орқасидан бу илм маскани ҳам тез орада тумандаги илгор мактаблар қаторидан ўрин олди. Турсуновдаги ташкилотчилик, одамлар билан тезда тил топишиб кетиш қобилияти унинг қишлоқ кенгаши раиси вазифасига кўтарили-

**МАКТАБ  
ЯРАТГАН РАИСА**

ортирган Т.Солиева биринчи ғалла малакали мутахассислар тўплаши алоҳида аҳамият берди. Қисқаси, йил якунида колхоз тумандагина эмас, вилоят миқёсида ҳам илгор хўжалиқлар қаторидан ўрин олди. У раҳбарлик қилган 20 йилдан зиёд вақт давомида биргина пахта ҳосилдорлиги салкам икки баробарга ошиб, гектар ҳисобига 40 центнерга кўтарилди.

Опанинг раислик фаолияти давомида айниқса, қишлоқларни ободонлаштириш, турмуш маданиятини кўтариш йўлида катта ишлар қилинди. Асфальт ётқизилмаган кўча, водопровод, электр ва радио тармоқлари уланмаган бирон қишлоқ ҳамда маҳалла қолмади. Қатор маданий-маиший бинолар қад кўтарди. Опа аслида ўқитувчи эмасми, шу боисдан ҳам қолхоз ҳудудидаги мактабларда таълим-тарбия ишларини мунтазам кўзатиб борди. Бунинг учун биринчи навбатда зарур шарт-шароит яратиш чораларини кўрди. Дастлаб хўжалик марказида тўрт қаватли 1080 ўринга мўлжалланган мактаб қурилишига ки-

ришилди. Хўжалик иқтисодининг мустаҳкамлиги бу ишни бир йилга етмасдан ниҳоясига етказиш имконини берди. Иморат битди. Лекин қишлоқнинг мактаб биноси ҳали бинойидек эди. Шунда раиса туман раҳбарлиги олдида бу ерда қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш масабини очиб масаласини қўйди. Турсуновни опанинг талаби

қондирилди. Туман марказидаги эски, ноқулай шароитда фаолият кўрсатаётган меҳанхизия мактабни кўчириб келтирилди. Сал вақт ўтмасдан бу ерда қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлайдиган хунар-техника мактаби ташкил этилди. 1998 йилдан эътиборан эса мақола-миз муқаддимасида тилга олинганидек, шу йўналишдаги коллежга айлантирилди. Шу ташқари Элотон, Шамшқул ва Калқўз қишлоқларидаги мактаблар, шунингдек, Шўркўргон қишлоғидаги болалар боғчаси замонавий янги иморатларга кўчиб ўтди. Ҳозирда 4 миң нафардан ортиқ ўқувчи, 200 дан зиёд ўқитувчи, 300 дан кўпроқ кичкинтой ўзларининг ўқиш, ишлаш ва мириқиб дам олишлари учун яратилган шароитлардан миннатдорлар.

Турсуновни опа оддийгина уйда истиқомат қилади. Беш фарзандининг бари ўқиниши, меҳнатка инсонлар қатори вояга етишган.

Обиджон  
ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» мухбири.

Жамият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мустақил давлатимизда ҳам аёллар нуфузи, ижтимоий ҳаётдаги иштирокига эътибор тобора ортиб бораётганлиги ҳам аслида шундан. Шундай аёллардан бири «Машҳура» хусусий фирмасининг раҳбари Машҳура Юсупова ўз фаолияти ҳақида қуйидагиларни сўзлади.

Фирма ўз ишини дастлаб бичиш-тиқиш тўғрисида билан бошлаган эди. Бозор иқтисодиётидаги рақобат тақозоси билан эса қўшимча имкониятларни ишга солиб юбордик. Хусусан, фирмада инглиз тили, бадийи каштачилик, сартарошлик, қандолатчилик ва кулинария бўйича дарслар олиб борилаётди. Тадбиркор бўлишимиз узига яраша машаққатлари бор. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш айниқса

аёллар олдида катта масъулиятлар юклайди. Чунки аёл киши ижтимоий меҳнатни онла ва рўзгор юмушларига зарар етказмайдиган ҳолда олиб бориши керак. Шу маънода омадлик келган, дессам бўлади. Турмуш ўртоғим Лазиз ака Юсупов шаҳар онкология диспансерида жарроҳ бўлиб ишлашларига қарамай,

менга яқиндан ёрдам берадилар, оилада, ишда маслаҳатдошим ҳам суяничимдирлар. Тадбиркорлик иши суёткашликни, бир жойда қотиб қолшини ёқтирмайди. Кези келганда тавakkал қила билиш даркор. 1997 йил сентябр ойида талаб-иштакларга биноан Наманганда ва 1998 йил июн ойида Самарқанд,

**НАШИДА**

Бухоро шаҳарларида бўлимларимизни очдик. Хусусий фирмамиз ташкил бўлгандан буён кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқиниш муддатини бепул қилиб қўйдик.

Бултур «Алпомиш» спорт саройида ўтказилган фирма маҳсулотларининг кўргазмаси бизни элга янада яқинлаштирди. Бунда 400 хилдан ортиқ моделларимиз, 200 дан зиёд истеъмол маҳсулотларимиз олқинишга сазовор бўлгани мени беихтиёр қувонтириб юборди. Кўргазмада иштирок этган меҳмонлар, тадбиркорлар билан янги ҳамкорликлар учун йўл очилди.

Фирмамизнинг яна қўлга киритган ютуқларидан бири - бу кўрик-танловлар голиби бўлганимиздир. Бу фирмамиз мураббийлари, филокор мутахассисларнинг ҳалол меҳнати натижасидир.

Сўхбатдош: **МОХИГУЛ СУВОНОВА.**

# 1999 йил — аёллар йили

## МЕХР ОҒУШИДА

**Аёл. Муқаддас бу калом замирида биз билган ва билмаган маъно яширинган бўлса не ажаб. У нозик қалб ҳароратини фарзандлари камолатига бахшида этади. Фидойи руҳияти, назокати билан оламга сайқал беради. Кутилаётган 1999 йил ҳур диёримизда аёллар йили деб эълон қилинишида ҳам рамзий маъно бор. Қисқаси у жамиятимизда аёлларга бўлган оқсиз эътиборнинг, чуқур эъзознинг давлат миқёсида аҳамият касб этганлигидан нишондир. Шу муносабат билан махсус муҳбиримиз Фазилат ҲОҶИҚУЛОВА республика хотин-қизлар кўмитаси бўлим мудири Насиба СОЛИХУЖАЕВА билан мулоқотда бўлди.**

Насиба Фуломовна, мамлакатимизда аёллар ўрни, мавқеи, жамият ривожига қўшаётган ҳиссаси бекиёс. Шундай экан, уларнинг яшаш, ишлаш, дам олишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шундай эмасми?

Мантқикий савол. Бунга жавобан айтишим мумкинми, республикада истиқомат қилаётган аҳолининг кўчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Булардан 65 фоиздан кўпроги эса қишлоқ жойларида яшайдилар. Демак, шунча хотин-қизларнинг уларига хос ўй фикрлари, бир сўз билан айтганда кувонч-у ташвишлари бор. Бизнинг барча эзгу юмушларимиз хаётий муҳим ҳужжатларга асосан режали амалга оширишига ҳаракат қилинди. Яна бир масала ҳусусида тўхталиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса хотин-қизларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билиб олишлари масаласидир. Агар шундай бўлса жойларда уларни камситиш ҳолига йўл қўйилмайдими. Шу муносабат билан хотин-қизлар кўмиталарида «Аёл ва жамият» деб номланган семинарлар уш-

тирилди. Ушбу тадбирлар яхши самара берди. Шундан кейин аёллар ўз ҳуқуқларини бошқа идораларнинг аралашувисиз ҳал қила бошлаганлари кузатилади.

Кузатаётган йилимиз — Оила йилида муайян муваффақиятларга эришилди, десам муболага бўлмас. Айниқса, «Оила илмий-амалий марказининг» ташкил этилиши оила масалаларига илмий нуқтаи назардан ёндашиш имконини берди. Унинг замирида вилоятларда оила илмий-амалий марказлари фаолият кўрсата бошлади. Оилаларни демографик томондан ўрганиб чиқиш, уларнинг шарт-шароитлари билан яқиндан танишиш, қийин аҳволга тушиб қолган оилаларга ўз вақтида мададкор бўлишга эришишни таъминлади. Энг намунали қадриятлар замирида турмуш тарзини тўғри шакллантириб, фаровон турмуш кураётганларнинг тажрибаларини оммалаштириш мақсадида «Энг ибратли келинчақ» кўриқлари ўтказилди.

Оила йилида «Энг намунали оила» кўрик-танловининг ташкил қилиниши ҳам сезиларли самара берди. У республика миқёсида босқичма-босқич ўтказилди. Натихада Хоразм вилоятидаги Худойбергановлар оиласи юқори ўринни эгаллади. 14 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказётган мазкур оила аъзоларининг ҳар бири хунарли, илмли, самимий, камтар кишилардир.

Аёллар йили деб эълон қилинган янги йилда хотин-қизларнинг фаровон турмушига хизмат қиладиган ижтимоий омиллар ҳар доимгидан кўра кўпроқ диққат марказда бўлади. Демак, қилнадиغان ишларимиз кўлами яна ҳам кенгайди.

**Хотин-қизларимиз ишлаб чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Улар ҳам эркаклар билан даярли баб-баравар меҳнат қиладилар. Шундай экан, жойларда уларнинг ижтимоий муҳофазасига тўла риоя қилинаёпти, деса бўладими?**

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, мамлакатимиз аёлларидан 22 нафар Узбекистон Олий Мах-

лиси депутати, 20 мингдан ортиқ аёллар эса тадбиркорлик билан шуғулланаёттирлар.

Кўмитамиз ходимлари аёллар ишлаётган корxonаларда тез-тез бўлишиб, уларнинг иш шарт-шароитлари билан яқиндан танишиб турадилар. Тўрақўрғон очиқ турдаги ширинлик ҳиссадорлик жамияти, Қашқадарёдаги «Хужум», Хива ғилам тўқиш акционерлик жамиятида хотин-қизлар учун яратиб берилган шарт-шароитларга ҳавасингиз келадими. Махсус тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Уларнинг фарзандлари тарбияланаётган

Ҳозирда жойларда касабани уюштурувчи 17 санаторий, 1 ам олиш уйи, 176 та профилдий фаолият кўрсатмоқда. мазкур сўхатгоҳларда хизмат сатиш маданиятини ҳамда иш яхшилайтувланмаларини туши ҳамда уҳақикатан даволанишга тож одрға етиб бонни назорат моқдамиз.

Шу ўз бир фикрни билдирмоқчи: Айни пайтда республикада кўпгина корxonалар қошида филиалкорийлар фаолият кўрсатмоқда. Бўнинг яхши томони шакки, ишчи-хизматчилар улардан ажралмаган ҳолда соғлрини мустаҳкамлаш-

ри мумкин. Бундан ташқари улар учун транспорт харажатлари ҳам қисқаради.

Кузатишлар шунки кўрсатмоқдаки, қасрда профилаторийлар фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша корxonада касб касалликлари, умуман касаланишлар сони камаймоқда. Шунки ҳисобга олиб корxonа раҳбарлари шартгоҳларни таъмирлаш, уларни турли жиҳозлар билан таъминлаш ишларини ўз вақтида олиб боришса айни муддао бўларди.

**Назля ИСЛОМБЕКОВА, Узбекистон касабани уюшмалари Федерацияси кенгаши ижтимоий сўгурта бўлимининг бош шифокори**

## МУНАВВАР ТОЛЕ

Умида АБДУАЗИМОВА

### КАДАМИ ҚУШЛУҚ

Куну ойлар билан бойланган, Турли фаслларга жойланган, Соҳларимга қиров қўндириб, Мени улуглиқка шайлаган, Эй, йил!

Сенга қуллуқ айтар сўзим бор, Баъзан сендан қайтар ўзим бор, Ўз ёғимда қоврилганимда, Умидим бор, сендан тўзим бор, Эй, йил!

Муруватинг дариг тутмагин, Яқинларим йироқ этмагин, Кўтарганча ҳаё пардасин Оқибатин юлқиб кетмагин, Эй, йил!

Янги йилни кутган одамлар, Бизга боғланмаган бу дамлар, Ҳисоботин куну ойларда Гоҳ кузатиб, гоҳида жамлар - Эй, йил!

Қуллуғ бўлсин ташрифинг сенинг, Улуғ бўлсин таърифинг сенинг, Бахту саодатга элтувчи Аёл исму шарифинг сенинг. Эй, йил!

Нукусда «Ойзода» фирмаси чеварлари томонидан тайанатган миллий кийимлар ўзининг бежирим, юқори сифатлиги билан барчага манзур бўлди.

Суратда ишининг устаси О.Удербоева янги либосларни юзларга тақдим этмоқда.

А.МУРОТОВ олган сурат.



Ватан ишқи

**Берта ДАВИДОВА, Узбекистон халқ артисти: «1998 йил бир умр ёдимда қолади. Чунки, шу йили муҳтарам Президентимиз қўлларидан орден олиш бахтига мушарраф бўлдим».**

Мен асли Ўзбекистоннинг Марғилониданман. Дадан давлатимдан бўлганлар. Отамнинг 14 нафар фарзандлари бўлган, 13 ўғил ва биттагина қиз, эъни мен.

Соғбонимиз оламдан ўтган 12 ёшларимда онам билан Тошкентга кўчиб келдик. Шунки айтиб ўтмоқчи эдимки, Марғилонда яшаб турган пайтларимизда қадрдонлар кўп эди. Махалла ақлининг ҳаммаси меҳрибон, оқибатли, инсофли кишилар эди. Кўни-қўшиларимизнинг қадими бизникидан, бизники эса уларникидан узиламасди. Каттао кичик отамни Довуд ота деб эъзозлашарди. Мен ўзбек халқининг бағри кенглигини, одамийлигини таъкидламоқчиман.

Сизга яна бир қизик гапни айтиб берай. Менинг асли исим Биллур. Вақтлар ўтиб радиокомитетга келганимда бир мусика раҳбаримиз бўларди. У кишининг исми София Бухараева эди. Мана шу одам мени Берта деб қақирамиз дедю исмим Берта бўлиб кетди.

Бир кун қизларимизни йиғиб тиббиёт билим юртига олиб боришди. Мен шу билим юртининг акушерлик бўлимига кириб ўқий бошладим. 15 ёшда уни тамомлагач, эски шаҳардаги 4-шифхонада ишладим. Ўша даврлари уруш йиллари эди. Мени Тошкентда очилган харбий госпиталда ишга олиб қолдишди.

Нима бўлди госпиталимизга Имомжон Икромов раҳбарлик қилаётган, Ориф Қосимов мусиқа раҳбари бўлган, Юнус Ражабий устозлигидаги «Ўзбек ансамбли» концерт бергани келди. Шу ўринда бир гап, кичкина қизалоқлигимда онам матодан тикиб берган китоб жилдини кўтариб мактабга катнардим. Ўша вақтларда кўчаларга катта радио қарнайлар ўрнатилганди. Ундан доимо Халима Носированинг «Оқ ойдин кечалар, оппоқ ойдин кечалар» номли қўшиғи янгради. Йулдиздан тўхтаб тўрроқ кўчага ўтириб олиб беҳишат шу қўшиқни тинглашга берилиб кет-

Юсуповнинг танбурдаги жўрлигида қуйлади. У пайтлар хали телевидение йўқ. Биринчи икромий радиода берилган, кўчага чиқсам 50 чоғли одам радионинг эшиғи ёнига йиғилиб ижрочини кўти туришибди. Мана шу «Муножот» мени Берта Давидова қилиб халққа, эл-юртга танитди.

Бухоро шашмақомини би-тириб келиб тожик ансамб-лида танбурчилик қилаётган

дан Оллоҳга шукрлар айт-лигида қуйлади. Президентимизга катта раҳ-матлар айтаман.

Мен бу сўзларни айти-шимдан мақсад ўша йил-ларда кўрган-кечирганлари-мизни эслашдир. Уруш йил-лари уйма-ў кун қўрардик. Менинг қармоғимда онам, 4 укам. Эрталаб 4-поликли-никада ишлардим, тушлик-ка оғим у бу егулик олиб келардилар. Сўнг радиода-ғи ишимга бораман. Трам-вай бўлмади қолса Хадрадан радиогоча яёв кетардим. Кийимимиз калши ва «телог-рейка»дан иборат. Ўша қийинчилик йиллари дам олиш кўни нималигини бил-масдик. Радиога ишим ту-гаган юқумли касалликлар шифохонасига навбатчилик-ка боришга тўри келарди. Чунки ҳамма урушда, иш-лашга одам зарур.

Бир кун радиодан кон-цертим берилётганда ўша йиллардаги Республика раҳ-бари Усмон Юсупов маши-нада кетаётган вақтлари экан, қўшиқни тинглаб ма-шинани тўри радиокомитет-томон бурибдилар. Студия-га кириб келиб мен билан кўп бериб қўришдилар, пе-шонамдан ўпиб, «нега бу ки-зимиз жуда ориғ» дея хави-ломуз сўраганлари сира ёдимдан кўтарилмайдими.

Демократик мени, я-дуий фарзанди умр бўйи Ўз-бекистонда яшаб фақат я-шиллик қўрдим.

Бир неча маротаба хо-рижда яшабга тақлиф қи-лишди. Мен уларга шундай жавоб қилдим: «Тўғри, ме-нинг миллатим яхдий. Ам-мо, Ватаним Ўзбекистон. Шу ерда туғилиб, улгайдим, шу Ватаниннг нон тузини то-дим, тарбиясини олдим. Бу халқнинг менга меҳнатла-рини жуда кўп сингиди. Кин-дик қоним шу тўрроққа тў-килди. Бўнинг устига ўзбек халқини жуда яхши кўра-ман. Улар ҳам мени инсон сифатида ҳам, санъаткор сиф-атида ҳам ардоқлайдилар. Галнинг охири, Ўзбеки-стоннинг бир ҳову тўрроғи-ни бутун дуненинг бойли-гига алмашмайман».

Ҳақиқатан ҳам шундай. Меҳрибон ўзбек халқининг яхшиликларини унутиб бўладими?

## ЎХШАШИ ЙЎҚ ЎЗБЕКИСТОН БУ!

Ўзбек Давидовнинг эса тожик мақомларини ўрганишимда катта ёрдами тоқман. Шу сабабли овозимнинг тожик мақомидан ҳам алоҳида жўраб келганимни кўрган устозларим Тожикистон, радиокомитетининг Шашмақом ансамбли бошлиғи, Тожикистон халқ артисти Шоназар Соҳибовни Ўзбекистонга тақлиф қилишди. У киши билан бирга биз 10 та тожик мақоми сирларини ўргандик. Улардан «Таронаи баёт», «Сараҳбори оромжон», «Қашқарчи салти ушшоқ», «Ушшоқ Самарқанд яъни Самарқанд ушшоғи», «Оромжон», «Чапандози наво» қабилилардир.

Ўзбекистон Радиокомитетида ҳам Мақом ансамбли тузилди ва унга академик Юнус Ражабий раҳбарлик қилдилар. У киши билан бир-гача юқоридики кўйларга Алиш-ер Навоий, Бобур, Нодира, Мухамий каби ўзбек классик шoirларининг сўзларини солиб ижро қилдим. Шунинг-дек, Юнус ака менга ўзбек мақомларининг аёл киши овозига тушадиган барчасини ўргатдилар десам мубо-лага бўлмайди. «Баёт-2», «18ёшингда дур», «Талқин баёт» ва бошқа жуда кўпмақомлар шулар жумласидан-дир.

Мана кун кена Республи-камиз Президентини Ислон Ка-римовнинг ўз қўларидан «Эл-юрт хурмати» орденини олиш бахти менга насиб эт-ди. Бу дақиқаларда жуда ҳая-жонланиб, хурсандчилигим

ларга хизмат кўрсатаётиб шу қўшиқни айтиб ишлардим. «Ўзбек ансамбли» ярадорлар-га концерт бераётган вақтда даволанаётган аскарлар ичи-дан бири саҳнага қараб биз-нинг ҳам ўз қўшиқчиниз бор деди. Юнус ака мени оқ ҳа-лат ва қаллоқда саҳнага чи-қардилар. Шунда ўша ашу-ладан бир парчани айтди му-ҳажжонларим парда оқсига ўтиб кетдим:

Кейин билсам овозимдаги ширани илганга ансамбл раҳ-барлари госпитал бошлиғи-нинг олдига кириб мени ра-диога олиб кетишга кўнди-ришди.

Радюда илк устозларим-дан бири бўлган Виталий Ве-ров исмли хормейстр мени пионино жўрлигида тинглаб кўриб, овозимни созлаш учун хорға қабул қилди. 4 ойдан сўнг «Ўзбек ансамбли»га ўтиб фаолиятимни давом эттирдим. Ансамблда жуда кўп ижодий ва ҳаётий тажрибага эга бўлдим. Ўзбек ансамбли-да ижод қилиш билан бирга тожик, уйгур ва татар ансам-блларига ҳам катнашдим.

Авалло ансамблдаги илк ижроларим халқ кўй ва кў-шиқлари бўлди. Аста-секин ўзбек мақомларини айтдим. Мақомга кириб келишимда овозимнинг мақомга тушиши-ни илганга устозим Имомжон Икромовнинг хизматлари кат-та. У киши менга «Муно-жот»ни Алишер Навоий сўзи-га солиб ўргатдилар. Муно-жотни 2 ой обдон пишийтиб тайёрлагач, Махсудхўжа

## Унутмас оғар

Шу кунда мамлакатимизнинг аёл ва туманларидики эҳрибонлик уйлари, мў мактаб-интернатлар билан уюшчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари олишмоқда. Ана шундан бири Фарона шаҳри 86-мақсус мактаб-интатда ҳам бўлиб ўтди. У давлатимиз раҳбари идан бола-жонларга ями совғаларни вилоят йми Н.Муимов топши.

Муллайти Тошмуҳамедов нои Қашқадарё мусиқали ма театрида ҳам байрадабири ўтка-зилди. У «Меҳрибон-лик уйлари» тарбияла-нувчилар эҳтижманд оилаларни фарзандла-ри, ногўи болаларга мамлакатиз Президентининг янгий совғаларини врят ҳокими Ш.Бегматтопширди.



Сен биздан ҳам ақли, бахтли-содатли бўласан, болам!

А. ПАРДАВ олган сурат.

## ОНА БАХТИ — ОЛАМ БАХТИ

Муқаддас Ҳадисда: «Жаннат оналар оёқлари остидадир», деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, жамки инсонни дунёга келтирган, тарбиялаб вояга етказган зот - Она. Бинобарин, муҳтарам юртбошимиз томонидан 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилиниши биз, наманганлик хотин-қизларни, жамоамизни беҳад тўлқинлантириб юборди.

Мамнуният ила таъкидлаш лозимки, вилоятимизда ҳам оналар ҳақида катта меҳрибонликлар қилинмоқда. Барча шаҳар-қишлоқларда, меҳнат жамоаларида аёллар, биринчи навбатда оналар ижтимоий ҳимояга олинган. Пенсия ва бошқа нафақа турлари, кўп болали оилалар учун жорий этилган имтиёзлар асосида давлат ҳамда ташкилотлар томонидан белги-ланган пуллар вақтида бериб бориюмоқда. Кам таъминланган оилаларга тўй, маъракаларда, уй-жойларини таъмирлаш ёки янгисини барпо этишда баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатилмоқда. Айниқса, оналар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш масаласига эътибор кўчатирилган.

Бу фикрни далиллаш учун биргина бизнинг шифохонамизни мисол келтириш мумкин. Даволаш масканимиз энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан йил давомида таъмин-лаб турилди. Биринчи навбатда керак бўлади-ган дори-дармонлар таъминотида узилишлар-га йўл қўйилмади. Ҳамшира, доя ва шифокор-ларимиз оналар ва чакалоқлар саломатлиги йўлида бор имкониятларини ишга солишайтир.

1999 йил - Аёллар яшаш, меҳнат қилиши, дам олиши, имтиёзлардан фойдаланиши юза-сидан белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга муҳим аҳамият касб этади. Ҳа, ҳа-демай, Янги йил кириб келади. Республика-миз туғруқхоналарида янги меҳмон кутаётган юзлаб оналар шу кун фарзанд кўриш бахтига мушарраф бўладилар. Бу бахтга юзлаб оила-лар, қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар шерик бў-лишади. Демак, она бахти - олам бахти!

**О. ҚўЧҚОРОВА, Наманган шаҳар марказий туғруқхонаси бўлим мудири.**

## УЛАР ЛОНДОНДА ПИЯЪЛИМ ОЛИШДИ

Аёл... У саришта уй бекаси, севимди ёр, она, ишчи, олимпиа. Хуллас ҳар қайси соҳада, ҳар бир жабҳада аёлларнинг муносиб ўрни бор. Бугун хотин-қизларимиз фан раванқига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фан докторлари, профессорларнинг илмий изланишлари инсон сало-матлигига хизмат қилаёпти. Фаннинг имкониятлари жуда кенг. Шу боис ҳам жаҳон фани янгиликларидан бо-хабар, илгор фикрлар мажмуасидан оғоҳ фан соҳибига илмнинг янги-янги қирраларини очишга қодирдир. Ўз-бекистон жаҳонга юз тугди. Жаҳоннинг эса етуқ олимла-ри республикамиз олималарининг илмий изланишлари-дан ҳам хабар топмоқдалар, уларнинг салоҳиятига қўйил қолмоқдалар.

Республика фанлар академиясининг эндокринология ин-ститутида баракали меҳнат қилаётган тиббиёт фанлари ном-зодлари Замира Ҳалимова ва Юлдуз Урмоновалар Лондон-нинг тиббиёт мактаб-коллежида эндокринологиянинг жаҳон миқёсида эришган ютуқлари билан танишиб, даволаниш янги услубларини ўрганиб қайтидилар. Қарийб 250 йиллар давлат асос солинган мазкур тиббий билим даргоҳи Англияда катта аҳамият касб этади. Илмий изланишлари билан жаҳон тиббиёт соҳасига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган олимлар ушбу даргоҳда меҳнат қиладилар. Замира Ҳалимо-ва ва Юлдуз Урмоновалар профессор Эшли Гроссмандан

эндокринологиянинг нозик сирларини янада чуқурроқ ўр-ганиб қайтидилар.

Бугунги кунда улар Ўзбекистон Фанлар академиясининг эндокринология институтида ишлаб катта муваффақият-ларни кўлга киритмоқдалар. Энг замонавий тиббий жиҳоз-лар Япония ва Италиядан келтирилган. Бу каби жиҳозлар МДХ давлатлари орасида фақат Москвада ва Тошкентда борлиги ҳам бугун республикамиз ҳукуматининг, олимла-римизнинг аҳоли сўхат-саломатлиғи йўлида улуғ ишларни амалга ошираётганлигидан дарак беради.

Эндокринология, яъни ички секреция безлари фаоли-яти билан боғлиқ бўлган хасталиклар бугун республикамиз-да баракали хизмат қилаётган малакали мутахассислар то-монидан амалга оширилган даволаш муолажалари натижа-сида чекинди. Дарддан фориғ бўлган кишиларнинг изти-роблари севинчларга айланди. Бу ютуқлар замирида тиб-биёт соҳасидаги илмий кашфиётлар, самарали тадқиқот-лар ҳамда малакали мутахассисларнинг қадри меҳнатла-ри бор.

# "ИШОНЧ" газетиси

## Йил буйи сиз билми!



Истайманки, улашилсин  
Болаларга йил буйи  
Бир совға, у туташ бўлсин —  
Истиқбол-иқбол куйи.

### ҚАЕРДА ҚАНДАЙ КУТИШАДИ?

Хар бир халқнинг ота-боболаридан қолган урф-одатлари, удумлари бўлади. Янги йилни байрам этиш ҳам шундай удумлардан биридир. Биз янги йил ҳақида гапирар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда совға-саломли Корбобо ва ясанган арча гавдаланади.

Қадимги вақтларда кўпчилик халқлар 21 мартни йил боши ҳисоблаб, шу кунни байрам қилишган. Шарқ халқларининг барчаси, шунингдек, Италия, Англия, Россия халқлари ҳам Янги йилни мартда кутиб олишган. 21 март Мучал йили ва ўн икки бурж ҳисоби бўйича хўтнинг, Бинобарин, йилнинг охири кун бўлган, 22 мартдан Янги йилнинг биринчи ойи — Ҳамал бошланган.

Шри Ланкаликлар Янги йилни, одат бўйича, апрел ойининг бошларида кузги экинлар йиғиб-териб олинган кейин байрам қилади. Деҳқонлар мул ҳосил учун табиатга миннатдорчилик билдирадилар. Хар бир хонадонда байрам таоми пиширилади. Қариндош-уруғ, ёру биродарлар бир-бирларини Янги йил билан табриқлайдилар. Байрам кунлари мунажжимлар толенома тузиб, кишиларнинг келажагини айтиб берадилар.

Афғонистонда Янги йил 21 мартда байрам қилинади. Афғонистонда 21 март «Деҳқонлар кун» бўлиб ҳам ҳисобланади. Наврўз байрами деҳқонларнинг энг катта байрамидир. Байрам кун халойиқ махсус белгиланган хўйға туланади. Ошпазлар турли овқатлар тайёрлайдилар: бир томонда кишининг иштаҳасини қарнай қиладиган қабоблар пишиб ётса, ундан нарироқда балик қовурилиб туради.

Афғон аёллари Наврўзни шаҳар боғида алоҳида байрам қиладилар. Аёллар базмида эркаклар қатнашмайди, боққа махсус қоровуллар қўйилади. Наврўз кунлари Қобулдаги «Боги Бобир»да ҳам турли тантаналар, кураш, қизиқчиликлар, миллий рақслар ижро этилади.

Венгрияда ҳам Янги йил 1 январда байрам қилинади. Байрам дастурхонига турли-туман таомлар, тамаддилар, кўкатлар, кўп хил ноз-неъматлар тортилади. Лекин дастурхонга парранда гўшти қўйилмайди. Парранда учиб кетиши мумкин бўлган жонивор. Парранда билан биргаликда хонадоннинг қут-баракаси ўчиб кетиши, бахти ва фаровонлиги кўтарилиши мумкин эмиш.

Халқ байрам арафасида фақат бахт ва саодат ҳақида ўйлайди. Кишлоқларда оила бошлиғи уйга бир кучоқ пахол олиб қиради. Хотини эридан: «Нима олиб кирдингиз, дадаси?» деб сўрайди; эри одат бўйича: «Тинчлик, бахт ва саяоматлик олиб келдим, онаси» деб жавоб беради. Пахол рўлға өйиб қўйилади.


Италияда Янги йил кунлари асабийлашмасликка, энг яқин кимсаларини соғинмасликка, қарз олмаслик ва қарз бермасликка, умуман барча нохушликлардан қўлга бўлишга ҳаракат қиладилар. Шунда йилнинг қолган кунлари ҳам янги йилдагидек ўтади, деб эътиқод қиладилар.

Байрам арафасида уй соҳиблари синиқ мебелларни, яроқсиз буюмларни деразадан кўчага улоқтирадилар.

Италияда янги йил арафасида Корбобо ўрнига Бёфана кампир эшакка совға-салом ортиб келади.

Шотландияда Янги йил байрами байрамларнинг энг яхши ҳисобланади. Байрам тўкин дастурхон ва очик чехра билан кутиб олинади. Уй бекалари ёнғок магзи ва майиз солинган нонлар пиширади. Соат тунги 12 ни курсатиши билан эски йил чиқиб кетиши ва қут-баракка олиб янги йил кириб келиши учун тўкин дастурхон тайёрланган уй эшиклари ланг очиб қўйилади. Хар ким янги йил окшомида өғи тортган уйга эзгу ният билан қадам ранжида қилаверади.

Қидирбой ТУЛАБОЕВ тайёрлаган.



**Касаба уюшма спорти**  
**БЕШ ГОЛИБ**

Янги йил арафасида Бекобод металлургия комбинати хузуридаги спорт-соғломлаштириш мажмуида А.Анохин хотирасига бағишлаб усмирлар ўртасида кураш бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда Чирчик шахридаги «Ўзбекиммаш», «Трансформатор», «Чирчиқкишлоқ-маш», «Ўзбекистон ўтга чидамли ва каттик қотишма»ли металлургия комбинати Бекобод металлургия комбинати корхоналарининг командалари иштирок этдилар.

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик санвати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси ва Ўзбекистон металлургия комбинати касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мусобақа кизгин ва кескин курашлар остида ўтди. Сақиз тоифа оғирликларда турт кунлик кизгин олингулардан сўнг Бекобод металлургия комбинати жамоасидан беш киши шохсупанинг юқори поғонасидан ўрин олди. Меҳмонлар яъни чирчиқликлардан уч спортчи голиблик шарафига муяссар бўлди. Соғирдорларга Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик санвати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг дипломлари ва қимматбах совғалари топширилди.  
**Б.СОЛИХОВ.**

**АЗИЗ ЮРТОШЛАР**

**«Тожи Шухрати» хусусий фирмаси сизларни кириб келаётган Янги — 1999 йил билан муборакбод этади!**

**Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, бахт-саодат, қут-баракка олиб кирсин!**

**Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда барчамизга улкан зафарлар ёр бўлсин. Янги йил дастурхонингизни безовғи махсулотларимизга таклиф қиламиз.**

**«Тожи Шухрати» фирмаси**  
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 5-уй.

**АЗИЗ ЮРТОШЛАР!**

**«ЮРАК» ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРОНАСИ ЖАМОАСИ БАРЧАНГИЗНИ ЯНГИ - 1999 ЙИЛ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН ҚИММИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**

**Юртошимиз томонидан Аёллар йили девэълон қилинган Янги йилимиз милакатимизга қут-баракка, оилаларга тотувлик, бахт-саодат олиб келсин.**

**Сихт-саломатлик ва яши кайфият, ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Болаларга янги йил совғалари**

Наманган меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар янги йилга катта байрам дастурини тайёрладилар ва уни байрамга келган меҳмонларга намойиш қилдилар.

Бир қанча хусусий фирмалар, корхоналар ва ташкилотлар болалар учун совғалар тайёрлади. Чунини, «Сафо марва» фирмаси билан «Чорсу» универмаги меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларга мебеллар, жамламасини ҳадя қилди. Вилоят адлия бошқармаси ходимлари эса иккита телевизор ва совутигини совға қилдилар. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси болаларни спорт қиймлари билан таъминлади. Республика болалар жағмармаси вилоят бўлими ходимлари эса меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларни иссиқ кийимлар билан хурсанд қилдилар.

Айрим ташкилотлар эса меҳрибонлик уйига доимий шафелик қилишга қарор бердилар.

Вилоятдаги бошқа болалар муассасаларида ҳам ана шундай байрамолди тадбирлари ўтказилмоқда.  
**Н.ХУҲАЕВА,**  
ЎЗА мухбири.

**ИШОНЧ**

Бош муҳаррир: **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Бош муҳаррир: табулхонаси-56-25-36  
Бош муҳаррир: ўринбосари-56-52-89  
Масъул котиб - 36-51-78  
**БЎЛИМЛАР:**  
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-54-82-79.  
Ахборот ва спорт-56-87-63. Матбуятнинг ва маданият -56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш -56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.  
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:  
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10.  
Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 21-58-43.  
Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1999 йил 21 мартдан чиқа бошланади.  
Сотувида эркин нархда.  
Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.  
Нашр курсаткичи: 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎИМ компьютерлида терилди ва сақидиланиди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тавоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Босмахонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди 23.00

Буювтама Г — 0616. Нусхаси — 14.561. 123456